


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 30 март, № 63 (7843) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ КЕНГАШНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 март куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг (Туркий кенгаш) видеоанжуман шаклида ўтадиган норасмий саммитида иштирок этади.**

Қозоғистон ташаббуси билан чақирилаётган бўлажак олий даражадаги учрашувда Туркий кенгаш доирасидаги кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида бирлашмага аъзо мамлакатларнинг савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтиришга доир ташаббусларни илгари суриши кутилмоқда.

2009 йил 3 октябрь куни ташкил этилган кенгашга Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия аъзо. Бундан ташқари, Венгрия Туркий кенгаш ишида кузатувчи мамлакат сифатида иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси бу кенгашга 2019 йилда қўшилган. Ўша йили 15 октябрда Бокуда бўлиб ўтган саммитда мамлакатимиз илк бор тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этган.

Туркий тилли мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ва ишончни мустаҳкамлаш, савдо, иқтисодиёт, транспорт, энергетика, туризм ва маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ташкилотнинг асосий мақсадлари ҳисобланади.

Туркий кенгашнинг олий органи — Давлат раҳбарларининг кенгаши, доимий фаолият юритувчи ижро органи — Истанбул шаҳрида жойлашган Котибият.

Бундан ташқари, ТТДҲК шафелигида Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий тилли давлатлар Парламент ассамблеяси (ТуркПА) ва Туркий маданият ва мерос фонди, Халқаро Туркий академия ва Ишбилармонлар кенгаши фаолият юритмоқда.

**ЎзА.**

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ЭНДИ БУ ТАРМОҚ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ БЕРАДИГАН ВАҚТ КЕЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 29 март куни кимё саноати тармоғида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.**

Мамлакатимизда углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича катта салоҳият бор. “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти томонидан бу борада 1 миллиард 355 миллион долларлик 21 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шундан қарийб 60 миллион долларлик 8 та лойиҳа жорий йилда ишга туширилади. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Навоий, Жиззах ва Тошкент вилоятларида жойлашган ушбу корхоналарда 11 турдаги янги маҳсулот ўзлаштирилади. Йилига 450 миллиард сўмлик товарлар ишлаб чиқарилиб, 15 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш ҳамда қарийб 30 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади. Ушбу корхоналарда 260 киши иш билан таъминланади.

Бундан ташқари, айни пайтда умумий қиймати 2 миллиард 600 миллион доллардан зиёд бўлган 18 та лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда.

Умумлаштириб айтганда, бу йилги ва истиқболдаги барча лойиҳалар натижасида 3 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилади, тармоқнинг экспорт салоҳияти 1 миллиард 300 миллион долларга етади. Янги корхоналарда 3 минг 500 га яқин иш ўринлари ташкил этилади.

Яна бир муҳим жиҳати, ушбу корхоналар фаолияти йўлга қўйилганидан сўнг, табиий газни чуқур қайта ишлаб олинадиган янги маҳсулотлар қиймати 2 миллиард 100 миллион доллардан ошади. Яъни қўшилган қиймат 14 баробар кўпаяди.

Кимёвий хом ашё ва яримтайёр маҳсулотлар негизида талаб юқори бўлган товарлар ишлаб чиқариш қувватларини яратиш мақсадида “Навоийазот” ва “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 3 та йирик технологик кластерни барпо этиш режалаштирилган.

Хусусан, “Навоийазот”да умумий қиймати 2 миллиард 600 миллион долларлик 16 та лойиҳа, “Фарғонаазот”да жами 334 миллион долларлик 4 та лойиҳа, Қорақалпоғистон Республикасида салкам 687 миллион долларлик 3 та лойиҳа амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш ва илм-фан ўртасида интеграцияни ривожлантириш масаласига доим алоҳида эътибор қаратади. Шу мақсадда пойтахтимизнинг Улуғбек шаҳарчасида илмий кимё кластерини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Унга кўра, 60 гектар майдонда маъмурий ва ўқув бинолари, лабораториялар, Ўзбекистон — Корея илмий маркази, илмий ходимлар учун тураржойлар, ётоқхона, амфитеатр, боғ ва қуёш электр станцияси барпо этиш кўзда тутилган. Бу ерда 8 минг нафар талаба таҳсил олиши мумкин бўлади.

Шунингдек, мазкур илмий кластер Тошкент кимё технология илмий-тадқиқот институти ҳамда Чирчиқ шаҳридаги ишлаб чиқариш лабораторияларини ўз ичига олади.

**— Кимё саноатига жуда катта маблағ бердик. Энергия самарадорлиги жиҳатидан технологиялар янгиланди. Энди бу тармоқ қўшилган қиймат берадиган вақт келди. Жуда катта имкониятлар бор. Агар ҳар бир йўналиш бўйича миқдорини, сифатини, нархини жой-жойига қўйсак, экспорт 5-6 баробар ошади, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлари талаб этаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича янги-янги лойиҳалар шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

Тақдимотда кимё корхоналаридаги давлат улушини қисқартириш, уларни трансформация қилиш, соҳага корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини жорий этиш борасидаги ишлар юзасидан ҳам маълумот берилди.

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти тузилмасини ўзгартириш, малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан вазифалар қўйилди.

Тадбирда ичимлик суви тармоқлари ва автомобиль йўллари ҳолати бўйича ўтказилган хатлов натижалари ҳам кўриб чиқилди. Бу йил 7 минг 184 километр қувурлар, резервуар ва насос станциялари қурилиб, 1 минг 106 та маҳаллага тоза ичимлик суви етказилади. Натижада 4 миллиондан зиёд аҳолининг сув таъминоти яхшиланади. Шунингдек, жорий йилда 16 минг 800 километр йўллар таъмирланиши айтиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари халқаро тажрибани қўллаб, қурилишни арзонлаштириш, эксплуатация сифатини таъминлаш, ажратилган маблағлар манзилли ва самарали ишлатилишини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

## ЖССТ РАҲБАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБ ЙЎЛЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари!

2020 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодекс лойиҳасини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига (ЖССТ) тақдим этганингиз учун Сизга миннатдорлик билдириш шарафига муяссарман.

COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйлаб ҳамжамиятлар ва мамлакатларга талафот етказишда давом этмоқда. Ўткир халқаро инқирозга дуч келиб, мен фавқулодда глобал етакчилик ва бирдамликка, имкон қадар кенг доирадаги шерикларни бирлаштиришга, кўп томонлама саъй-ҳаракатларни ишга солиш ва ҳеч кимнинг орқада қолиб кетмаслигини таъминлашга чақирдим. Салкам бир йилда биз илм-фан, вакциналарни ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш амалиётидаги мисли кўрилмаган ютуқлар, жамоатчиликни сафарбар қилиш ва сиёсий собитқадамлик туфайли кучли етакчиликка эришишнинг имкони борлигини кўрдик.

Пандемия соғлиқни сақлаш тизимларимиз заиф эканини кўрсатди, тиббий ва ижтимоий тенгсизликни кучайтирди ҳамда соғлиқни сақлаш иқтисодий тараққиёт ва хавфсизликда марказий ўрин эгаллашини намойиш этди. Пандемияни назоратга олиб, тикланишга инвестиция йўналтираётган эканмиз, келажакка ҳам тайёргарлик кўришимиз лозим. Бундай вазият яна такрорланишига йўл қўя олмаймиз.

Жаноби Олийлари, Халқаро кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласида узоқни кўзлаганингиз ва бу жараёнда етакчилик қилганингиз учун Сиздан миннатдорман. Биз ҳужжатни диққат билан ўрганиб чиқдик. Унда қўйилган вазифаларнинг кўлами ва таклиф этилган амалий ечимлар менда катта таассурот қолдирди. Кодекс лойиҳаси тақдим этилгани ўз вақтида қабул қилинган қарор бўлди.

Ўтган йили биз пандемиядан кўп сабоқ чиқардик ва эндиликда келажакка назар ташлашимиз керак. Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг COVID-19га қарши чоралар бўйича WHA73.1 резолюциясига мувофиқ, мен 2020 йил сентябрь ойида иш бошлаган Халқаро тиббий-санитария қоидаларининг (2005 йил) амал қилишини ўрганиш Қўмитасини чақирдим ҳамда Пандемияга шайликни таъминлаш ва жавоб чоралари бўйича Мустақил гуруҳни таъсис этдим.

Бундан ташқари, аъзо давлатлар томонидан амалга оширилаётган жараён доирасида Халқаро тиббий-санитария қоидаларига қўшимчалар киритиш мақсадида пандемияга шайлик ва жавоб чоралари тўғрисида глобал ҳадли конвенцияни ишлаб чиқиш имконияти юзасидан мунозаралар давом этмоқда. Мазкур масала 2021 йил 18 март куни ўтган ЖССТнинг ташкилотга аъзо давлатлар учун мўлжалланган ахборот сессиясида муҳокама қилинди. Бу кўплаб мамлакатларда қизиқиш уйғотди ва кейинги муҳокамалар учун қадам бўлиб хизмат қилди.

Барчанинг хавфсиз келажагига сармоя киритиш, барқарор ва ишончли соғлиқни сақлаш тизимларини барпо этиш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай инқирозларга шай туришга тайёргарлик кўриш вақти келди. Жаноби Олийлари, сиёсий етакчилигингиз туфайли Сизнинг бу борадаги иштирокингиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сиз тақдим этган Халқаро кодекс лойиҳаси пандемияни ўрганиш бўйича амалдаги жараёнларга ва пандемияга қарши курашиш бўйича ҳар қандай бўлажак халқаро ҳужжатни режалаштиришга бевосита боғлиқ. Сиз ушбу саъй-ҳаракатларда шахсан иштирок этишда давом этишингизга умид қиламан.

Жаноби Олийлари, COVID-19 пандемиясининг олдини олиш ва барчанинг соғлом ва хавфсиз келажагини таъминлаш ишига содиқлигингиз учун Сизга яна бир бор ташаккур билдираман. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти жамоат саломатлиги соҳасидаги ушбу глобал фавқулодда вазиятда Сиз билан ҳамжиҳатдир.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Энг эзгу тилаклар ва миннатдорлик билан,

**Доктор Тедрос Аданом ГЕБРЕЙЕСУС,**
**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори**

## ВЕНГРИЯ БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

*Аввал хабар қилинганидек, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан 29 март куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.*

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Венгрия Бош вазири пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига ташриф буюрди.

Мамлакатимиз бош майдони халқимиз озодлигининг, аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва муттасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимизнинг муқаддас рамзидир. Шу боис бу муаззам майдонга давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари, хорижий расмий делегациялар ташриф буюриши яхши анъанага айланган.

Венгрия Бош вазири Виктор Орбан ҳам мамлакатимизга илк расмий ташрифини Мустақиллик майдонидан бошлади. Олий мартабали меҳмон Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Меҳмонга Мустақиллик майдонининг мазмун-моҳияти, бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида сўзлаб берилди. Виктор Орбан ушбу мажмуа ўзбек халқини истиқлол руҳидан куч олиб, янада улкан марралар сари интилишида ўзига хос маёқ бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Шундан сўнг Венгрия делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Венгрия Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқидаги энг яқин ҳамкорларидан бири бўлиб, мамлакатларимиз кўп қиррали амалий шерикликни йўлга қўйган. Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги анъанавий дўстлик ва турли даражадаги фаол мулоқотлар жадал ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 15 октябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг Боку шаҳридаги саммити доирасида Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашган эди. Мазкур учрашувдан сўнг турли соҳалардаги самарали мулоқотлар фаоллашди. Хусусан, сўнгги тўрт йилда икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси деярли уч баробарга ўсган. Мураккаб пандемия шароитига қарамай, ўтган йили ҳам ҳамкорлик самарали бўлиб, товар айирбошлаш ҳажми кўпайган.

➔ 2

Ўзбекистон — Венгрия:

## ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ МУНОСАБАТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

*Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ дунёнинг барча давлатлари билан тенг ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш ҳамда ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Венгрия 1991 йил 26 декабрь куни республикамиз мустақиллигини тан олган ва мамлакатимизнинг Европа йўналишидаги вақт синовидан ўтган ишончли шерикларидан бири ҳисобланади. Икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 3 март куни ўрнатилган.*



Ўзбекистон ва Венгрияда олий ва юқори даражаларда давом эттирилаётган мунтазам сиёсий мулоқотга алоҳида аҳамият берилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг 2019 йил 15 октябрь куни Боку шаҳрида Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши саммити доирасидаги самарали учрашуви икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга янги туртки берди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни тизимли асосда мустаҳкамлашда Венгриянинг Ўзбекистондаги элчихонаси муҳим ўрин тутади. Дипломатик миссия ушбу мамлакат ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи ишлар вазири Петер Сийяртонинг 2017 йил 26-27 июнь кунлари Ўзбекистонга ташрифи пайтида тантанали равишда очилди.

Томонлар парламентлараро ҳамкорлик ва икки мамлакат қонун чиқарувчи органларида ташкил этилган дўстлик гуруҳлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Ўзбекистон ва Венгрия дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан буён ўтган қарийб 30 йил давомида ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий базасини яратди.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатадиган энг қулай режим ўрнатилган. Ўтган йили Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 109,3 миллион долларни ташкил этди. Бугунги кунда Ўзбекистонда Венгрия сармоядорлари иштирокида меҳмонхона хўжалиги, чорва озуқаси ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, улгуржи савдо йўналишларида яратилган 10 та корхона фаолият юритмоқда.

Мамлакатларимиз маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Венгрия Президенти Пал Шмитт 2011 йил ноябрь ойида Бухорога ташрифи чоғида вилоят ўлкашунослик музейида XIX асрда яшаб ўтган, икки мамлакат халқлари ва маданиятларининг яқинлашишига катта ҳисса қўшган венгриялик таниқли шарқшунос олим ва саёҳатчи Арминий Вамбери шарафига ўрнатилган ёдгорлик лавҳасининг очилиш маросимида иштирок этди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Маданият вазирлиги ва Венгрия Инсон ресурслари вазирлиги томонидан 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган маданият соҳасидаги ҳамкорлик дастури тайёрланди.

Ўзбекистон ва Венгрия олимлари икки мамлакат тарихи ва маданиятини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришда яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Венгрия Фанлар академияси кутубхонаси ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бу ерда Ўрта асрлар ва Шарқ муаллифларининг Ўзбекистон маданий меросини акс эттирувчи ноёб тарихий қўлёзмалари сақланмоқда.

➔ 2

## ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ВА ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

*Кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев кимё саноати тармоғида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимоти билан танишиб, соҳани янада ривожлантириш бўйича мутасаддиларга аниқ кўрсатмалар берди.*

### Бизнинг интервью

Мухбиримиз “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Жўрабек Мирзамаҳмудовнинг тизимда олиб борилаётган ишлар ҳамда истиқболдаги режалар хусусидаги фикри билан қизиқди.

➔ 2

**Президент ташрифидан сўнг**

## ОБОДЛИК БИР КУНЛИК ТАДБИР ЭМАС, ДОИМИЙ ҲАЁТ МАРОМИ

*Яқинда давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятига ташрифи жараёнида ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳамда йирик корхоналар фаолияти билан танишди. Асосий эътибор бугунги ислоҳотлар аҳоли турмуш маданиятини юксалтиришга нечоғли хизмат қилаётганига қаратилди. Президент аҳоли билан суҳбатлашиб, вилоят аҳлини янада фаровонликда яшаш учун давлат бош ислоҳотчи сифатида нималар қилиши лозимлигини сўради, оддий одамлар фикри билан қизиқди.*

Самимий суҳбатлар жараёнида мамлакат раҳбарининг ўзига хос иш услуби, кишилар қалбини англаш фазилати, камтарлиги, маҳаллалардаги мавжуд муаммо ва камчиликларга бефарқ қараётган мутасадди-раҳбарларга нисбатан муросасизлиги яққол сезилиб турди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2019 йил июнь ойидаги Тошкент вилоятига ташрифига назар ташласак. Ўша учрашувларда бу ҳудуд мамлакатимизнинг муҳим логистика маркази эканлиги алоҳида таъкидланиб, раҳбарларга вилоятни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш, янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилганди.

➔ 3



## Ўзбекистон — Венгрия:
# ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ МУНОСАБАТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

1 Таълим соҳаси Ўзбекистон — Венгрия алоқаларининг истиқболли йўналишларидан биридир. Бугунги кунда ушбу мамлакат таълим муассасаларида 60 нафар Ўзбекистон фуқароси таҳсил олмоқда. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ва Венгрия дипломатия академияси ўртасида дипломатик кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланган.

Икки мамлакат минтақалари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишга аҳамият берилмоқда. Хусусан, Тошкент ва Будапешт, Фарғона вилояти ва Дабаш шаҳрини шериклик муносабатлари боғлаб турибди.

Маълумки, Венгрия юқори сифатли дори-дармон ва тиббиёт жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича бой тажрибага эга. Ўзбекистон етакчи фармацевтика компаниялари билан дори-дармонлар ишлаб чиқариш ва уларни маҳаллийлаштириш орқали фармацевтика саноатини ривожлантиришдан манфаатдор. Мамлакатимизга, хусусан, “Meditop Pharmaceutical Co. Ltd.”, “Egis Pharmaceuticals Private Limited Company”, “Gedeon Richter PLC”, “MEDICOR Kezimuszer Zrt”, “Innomed Medical Inc” ва бошқа компанияларнинг маҳсулотлари кириб келган.

Ўзбекистон ва Венгрия бугун ўзаро манфаатли бўлган барча соҳадаги алоқаларни фаол равишда ривожлантирмоқда, бу борада мавжуд салоҳиятдан изчил фойдаланмоқда. Бу эса икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларига ишонч билан қарашга асос бўлмоқда.

**«Дунё» АА.**

# ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ВА ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

1 — Ўзбекистон — углеводород хом ашёсига бой мамлакат. Шу боис кейинги йилларда кимё саноат тармоғини ривожлантириш, углеводород хом ашёси ҳамда минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Натижада импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Бу бўйича катта имконият ҳамда салоҳият етарли.

Тақдимотда ўтган даврда соҳада амалга оширилиши белгиланган режалар ижроси ва келгусида қилиниши лозим бўлган чора-тадбирлар хусусида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари асосий эътиборни табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш, кимё саноатини кластер усулида ривожлантириш лозимлигига алоҳида урғу берди.

Айтиш жоизки, ўтган икки ойда олиб борилган ишлар натижасида еттита янги истиқболли лойиҳа бўйича таклифлар тайёрланди. Асосан, “Навоийазот”, “Фарғонаазот” акциядорлик жамиятлари ва “Қўнғирот сода заводи” МЧЖ негизидаги мазкур лойиҳалардан кутилаётган натижалар катта. Хусусан, бу борадаги режа-тадбирлар 750 млн. долларлик маҳсулот импортининг ўрнини босади. Шу билан бирга, ички бозорни кимё саноати маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида, 382 млн. долларлик экспортни амалга ошириш имконини беради.

Бундан ташқари, жорий қилинаётган қўшимча лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этилиши билан 3430 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Айтиш керакки, тақдимотда кўрсатилган жами 39 та лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 1,1 млрд. $м^3$ газни қайта ишлаш кўзда тутилган. Агарда шу газни биз ҳозирги кунда 160 млн. доллар эквивалентида экспорт қилинадиган бўлса, бундан чиқадиган маҳсулот 2,1 млрд. долларни ташкил қилади.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, тақдим этилган лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилиши кимё саноатини кластер усулида ривожлантиришга катта йўл очади.

Шу билан бирга, тақдимотда Қорақалпоғистон Республикасида кимё кластерини ташкил қилиш, шунингдек, пойтахтимизнинг Улуғбек шаҳарчасида илмий кимё кластерини ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам тақдим этилди.

Бу нимага керак? Биринчидан, лойиҳага кўра Ёшлар маркази, талабалар, илмий изланувчилар, ўқитувчилар учун ўқув биноси ва тураржойлар, амфитеатр, спорт заллари, ошхона ва бошқа зарур инфратузилмалар қурилади. Барча муҳим объектларнинг комплекс жойлашуви эса кимё саноати фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган лойиҳаларнинг асосий қисми давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилади. “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти эса, уларни интеграция қилиш, фаолиятини мувофиқлаштириш, амалий-ташкилий кўмаклашади.

Тақдим этилган лойиҳаларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари, амалга ошириш муддатлари, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти тузилмасини ўзгартириш, малакали кадрлар тайёрлаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди. Ўйлайманки, буларнинг барчаси юртимизда кимё саноати соҳасини янада ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни татбиқ этиш, углеводород хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

**Р. ОТАМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ВЕНГРИЯ БОШ ВАЗИРИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

1 Ташрифнинг асосий воқеалари 30 март куни Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қиладилар. Бундан ташқари, халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилади.

Олий даражадаги музокаралар натижасида Ўзбекистон ва Венгрия муносабатлари сифат жиҳатидан янги — стратегик даражага чиқиши кутилмоқда.

Бош вазир Виктор Орбан ташриф дастурига мувофиқ илмий-тадқиқот ва тарихий объектлар билан танишади.

Ташриф якунида иқтисодиёт, энергетика, таълим ва кадрлар тайёрлаш, маданият, ҳудудлараро ҳамкорлик, бандлик ва меҳнат муносабатлари соҳаларида икки томонлама муносабатларни янада кенгайтиришга қаратилган қатор келишувлар имзоланиши кутилмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҲАФТА ДАВОМИДА БИЗНИ ҚАНДАЙ МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАР КУТМОҚДА?

*Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов иштирокида илк брифинг бўлиб ўтди.*

## Брифинг

Ўзбек, рус ва инглиз тилларида олиб борилган мазкур тадбирда маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Брифингда қайд этилганидек, давлат органларининг очиқлиги ва жамиятимизда сўз эркинлигини таъминлаш бугунги кунда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Очиқлик сиёсатидан келиб чиққан ҳолда уюштирилган ушбу тадбирда жорий ҳафта давомида давлатимиз раҳбари қатнашадиган халқаро расмий тадбирлар ҳақида қисқача маълумот берилди.

Жумладан, шу йилнинг 29 — 31 март кунлари Венгрия Бош вазири Виктор Орбан бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади. Ташрифнинг асосий воқеалари бугун — 30 март куни Кўксаройда бўлиб ўтиши маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Бош вазири Виктор Орбан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва маданий-гуманитар соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қиладилар.

— Олий даражадаги музокараларда кутилаётган натижалардан бири, бу — Ўзбекистон билан Венгрия муносабатлари, ўзаро стратегик ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги поғонага чиқишидир, — деди Президент Матбуот котиби. — Венгрия мамлакатимизнинг энг яқин ҳамкорларидан бири бўлиб, мамлакатларимиз кўп қиррали амалий шерикликни йўлга қўйган ва турли даражаларда фаол мулоқотлар олиб боряпти.

Хусусан, савдо-иқтисодий алоқалар ҳақида гапирадиган бўлсак, сўнгги 4 йилда ўзаро савдо айланмаси қарийб 3 баробар ошган. Аммо ҳозирги натижалар мавжуд салоҳиятга нисбатан анча кам. Турли соҳаларда, жумладан, қайта ишлаш саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги, фармацевтика, туризм йўналишларида ҳали фойдаланилмаган жуда катта имкониятлар бор.

Бундан ташқари, ташриф доирасида халқаро сиёсат ҳамда минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилади. Ўзбекистон ва Венгрия етакчи компаниялари вакиллари иштирокидаги Ўзбекистон — Венгрия ишбилармонлар кенгашининг биринчи йиғилиши уюштирилгани эса ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этишда муҳим роль ўйнаши шубҳасиз.

Шу билан бирга, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни модернизация қилиш, жумладан, қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида Венгрия тажрибасини қўллаш мўлжалланган. Шу боис Венгриядан юқори малакали экспертлар гуруҳи ҳам келган.

Ташриф якунида иқтисодиёт, энергетика, таълим ва кадрлар тайёрлаш, маданият, ҳудудлараро ҳамкорлик, бандлик ҳамда меҳнат муносабатлари соҳаларида икки томонлама муносабатларни янада кенгайтиришга қаратилган келишувлар имзоланиши кутилмоқда.

Бош вазир Виктор Орбан ташриф дастурига кўра юртимиздаги илмий-тадқиқот ҳамда тарихий объектлар билан ҳам танишади.

Шунингдек, брифингда яқин кунларда бўлиб ўтадиган яна бир тадбир — Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг норасмий саммити ҳақида ахборот берилди. Ушбу саммит 31 март Қозоғистон Республикаси Туркистон шаҳрида бўлиб ўтиши керак эди.

Президент Матбуот котибининг билдиришича, тадбир ўша куни ўтказилади. Аммо бугунги эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, анжуман бошқа форматда, яъни видеоконференцалоқа шаклида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу саммитда иштирок этади ва нутқ сўзлайди.

Брифинг якунида Президент Матбуот котиби Шерзод Асадов ОАВ вакиллари билан ушбу форматда тез-тез учрашиб туришини билдирди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# «КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган йиғилишни Олий Мажлис Сенати Раиси, миллий кенгаш раиси Танзила Норбоева олиб борди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов иштирок этди.*

## Тадбир

Тадбирда сенаторлар, кенгаш аъзолари ҳамда масъул идоралар вакиллари коррупцияга қарши курашиш бўйича бажариладиган ишлар юзасидан фикр алмашди.

Хусусан, ҳудудларда қурилиш соҳасида ўтказилган тендер ва давлат харидлари борасидаги ўрганишлар натижалари атрофлича таҳлил қилинди. Жумладан, Жиззах, Андижон, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларидаги 59 та қурилиш объекти бўйича давлат харидларини амалга оширишда бир қатор молиявий хато ва камчиликлар, шунингдек, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Ўрганиш натижалари бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, вазирлик ва идоралар ҳамда ташкилотларга 13 та тақдимнома киритилиб, 25 та сўровнома ва 3 та огоҳлантириш хати юборилган. Мазкур сўровномалар бўйича прокуратура органлари томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан 14 та жиноят иши қўзғатилган.

Бундан ташқари, йиғилишда соғлиқни сақлаш йўналишида ҳам “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида бажарилган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ҳар бир оилавий шифокорлик пункти, оилавий поликлиника ва шифохонанинг кириш жойларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган эслатма ҳамда тарғибот материаллари тайёрланиб, “1203” қисқа рақами орқали фуқаролардан соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупция ҳолатлари бўйича мурожаат йўллаш имконияти яратилганлиги қайд этилди.

Қолаверса, Андижон, Бухоро, Самарқанд вилоятларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси бўйича соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар юзасидан ўрганишлар натижалари ҳам таҳлил қилинди. Унга кўра, кадрларни ишга очиқ танловлар асосида қабул қилиш тизими жорий қилинмаганлиги, тиббиётда малака даражасига эга бўлган ва ўз соҳаси бўйича ишга жойлашиш истагида юрган мутахассис кадрларнинг ягона маълумотлар базаси шакллантирилмаганлиги, шунингдек, ўрганиш ва ўтказилган мониторинг тадбирлари натижасида 2020 йилдан бугунги кунгача жами 50 миллиард сўмдан ортиқ қийматдаги молиявий хато-камчиликлар аниқланганини таъкидланди.

Йиғилишда миллий кенгаш томонидан 2020 йил декабрь ойида тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини қонунчиликка имплементация қилишни давом эттириш бўйича “Йўл харитаси”нинг ижро ҳолати ҳам муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, ушбу “Йўл харитаси” асосида бир қатор ишлар амалга оширилган. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонунига тегишли ўзгартиш киритилди, Ўзбекистон бизнесининг Коррупцияга қарши курашиш хартияси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикасида БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси қоидаларининг бажарилиши ҳолати мониторинги халқаро экспертлар томонидан ўтказилишини ташкил этиш чора-тадбирлари масаласи атрофлича муҳокама қилинди.

Шу муносабат билан мазкур мониторингни ўтказиш доирасида тегишли ташкилий ва ахборот-таҳлил фаолиятини амалга оширувчи ишчи гуруҳлар таркиби тасдиқланди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# МУРОЖААТЛАР ИЖРОСИ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

*Аввал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ пойтахтнинг бир қатор туманларида бўлиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича маҳаллабай тизимда олиб борилаётган ишларни ўрганди ҳамда аҳоли билан бевосита мулоқотда бўлди.*

## Халқ билан мулоқот

Дастлаб Сенат Раиси халқ депутатлари Бектемир тумани Кенгаши депутатлари, туман фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Ўзаро мулоқотда туманни янада ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш учун тадбиркорларга солиқ имтиёзлари бериш, фаолиятини кенгайтириш истагида бўлганларга эса туманга ёндош ҳудудлардан ер майдони ажратиш лозимлиги ҳақида ўз таклифларини билдирди.

Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Алишер Ҳотамов “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш бўйича олиб борилаётган ишлар, ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлашга доир режалар ва таклифлар юзасидан маълумот берди.

Шундан сўнг юқори палата Раиси Бектемир тумани 2-секторида жойлашган “Чашма” маҳалла фуқаролар йиғинига бориб, у ерда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Хусусан, маҳаллада истиқомат қилаётганларнинг аксариятига паспорт ва шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар берилгани, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар, “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг хонадонларида таъмирлаш, маҳаллада олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари ўрганилди.

Кейинги манзил — “Роҳат” маҳалла фуқаролар йиғинидаги кутубхона бўлди. Бу ерда аҳоли ҳуқуқий китоблар, бадиий ва жаҳон адабиётига доир асарларни мутолаа қилиши учун етарли шароит яратилган. Ушбу кутубхона Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус доирасида “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш”га доир тўртинчи ташаббуси асосида туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган.

Яшнобод туманига ташриф давомида Т. Норбоева “Беҳизор” ва “Чўлпон” маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, ҳудуд аҳолиси билан учрашди, уларнинг муаммоларини ўрганди.

“Беҳизор” МФЙда бугунги кунда тўрт мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла фаолларининг асосий эътибори — ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда жорий йилда Сув хўжалиги вазирлиги томондан маҳаллага 10 та тикув машинаси берилган ва 15 дан кўпроқ иш ўринлари яратилган.

Маҳаллада истиқомат қилувчи 26 нафар фуқаро “аёллар дафтари”га ва 14 нафари “ёшлар дафтари”га киритилган.

Сенат Раиси аҳоли билан суҳбатлашганда тиббий хизмат кўрсатиш сифати, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, иш билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратиб, уларнинг муаммолари билан қизиқди.

Шундан сўнг 29-сонли оилавий поликлиникада аҳоли учун яратилган шароитлар билан танишилди. Яшнобод тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари М. Абдуллаева аҳолини сифатли ҳамда тезкор бирламчи тиббий-санитария ёрдами билан янада кенгроқ қамраб олиш, касалликларнинг олдини олиш ва эрта босқичларда аниқлаш, касалланиш даражасини пасайтириш, профилактик тадбирларни амалга ошириш орқали саломатлик кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар бўйича маълумот берди.

Парламент юқори палатаси Раиси Чўлпон маҳалласида бўлганида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар ҳолати, уларга қандай ёрдам кўрсатилаётгани билан қизиқди.

Мулоқотларда аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг мурожаатлари эшитилди. Хусусан, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кредит маблағлари, ер ажратилиши, маҳаллада гўзаллик салони очиш ва кам таъминланган, боқувчиси йўқ аёлнинг уйини таъмирлаш каби масалаларда ёрдам сўралди. Улар шу жойнинг ўзида назоратга олиниб, мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Маҳаллабай ўрганишлар доирасида Т. Норбоева Қўйлиқ бозори ҳудудидаги кунлик ишчилар маркази фаолиятига эътибор қаратди. Хусусан, у ерда аёллар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганди, мурожаатларини тинглади. Шу ернинг ўзида билдирилган мурожаатлар назоратга олиниб, тегишли мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Бундан ташқари, Сенат Раиси халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгаши депутатлари, туман фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

Учрашувда “темир дафтар”, “ёшлар дафтари”, “аёллар дафтари”га киритилган фуқаролар билан ишлаш, бу жараёнда маҳаллий Кенгашларнинг ўрни, иш самарадорлигини ва депутатлар фаоллигини ошириш муҳимлиги қайд этилди. Туманда мавжуд муаммоларни депутатлик назоратига олиш каби жиҳатларга урғу берилди. Бу борада зарур таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

# УЧРАШУВЛАРДА АЙРИМ МАСАЛАЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНМОҚДА

*Депутатлар ўз сайловчиларининг долзарб муаммоларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, янада ташаббускор бўлиши — ҳаёт талаби. Чунки қабул қилинадиган қонунларда аҳоли манфаатлари акс этиши, ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланиши мавжуд муаммоларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларда бўлиб, аҳоли билан мулоқотлар ўтказмоқда. Мазкур жараёнда халқ вакиллари аҳоли манфаатлари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янада чуқур ўрганишга, таклифлар ишлаб чиқиб, қонунчиликда акс эттиришга жиддий эътибор қаратмоқда.*

## Ўрганиш ва таҳлил

### Клиника очишда тўсиққа учраган тадбиркор

Давлат-хусусий шериклиги (ДХШ) лойиҳаларининг амалга оширилишини жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва ёшларга ер ажратишда адолатни кафолатлаш, қурилиш соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларнинг самарали ишлашини таъминлашдаги муаммоларга ечим топиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ Навоий вилоятида ўз ишини бошлади.

Ишчи гуруҳнинг дастлабки манзили — давлат-хусусий шериклик асосида бунёд этилган Навоий шаҳридаги Беруний номидаги мактаб бўлди.

Халқ вакиллари 2020 йил февралда ишга туширилган мактаб фаолияти, синф хоналарининг жиҳозланиши, яратилган 50 иш ўрни, мактабга қабул қилинган 150 ўқувчи учун яратилган шарт-шароитлар билан бир қаторда муаммоли масалаларни ҳам ўрганди.

Мактаб директори Г. Жуманиёзова билан бўлган суҳбатда хусусий мактабларнинг афзаллик томонлари, бу соҳада эътиборни айнан нималарга қаратиш кераклиги ҳақида сўз юритилди.

Мулоқот чоғида мактаб раҳбарининг иқтидорли ўқувчиларни синфдан-синфга “сакратиш” зарурати туғилаётгани ҳақидаги фикрлари депутатларни қизиқтириб қўйди.

Халқ вакиллари томонидан ДХШ асосида ишга туширишга тайёрланаётган “ANGO MED” хусусий клиникаси билан боғлиқ вазият ўрганилганда, хусусий шерик томонидан 2,4 миллиард сўм инвестиция киритилиши режалаштирилган бўлишига қарамай, томонлар билан битим имзоланиши кечикаётгани ва кредит олишда тўсиқларга учраётгани аниқланди.

Бунинг оқибатида клиника қурилиши жараёнлари тўхтаб қолгани тадбиркорнинг шаштини сўндираётгани айтилди. Тадбиркор муаммоси юзасидан соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари ҳамда Марказий банк мутасаддилари билан телефон орқали мулоқот олиб борилиб, шу жойнинг ўзида Қонунчилик палатаси депутатлари Дониёр Ғаниев, Нодир Абдувалиев томонидан қатъий назоратга олинди.

Мазкур учрашувлар давомида депутатлар ёшларга ер ажратиш бўйича Кармана туманидаги “Файз Шоҳрух”, “Нарпай соҳибқирони” фермер хўжаликларида олиб борилаётган ишларни ўрганди. Суҳбат жараёнида ерлар “табличка”лар билан алоҳида белгилаб берилмагани, ёшлар таъсисчилигида кооперациялар ташкил этилмагани танқид қилинди.

Мазкур фермер хўжаликларидан ер эгалигини қўлга киритган 20 нафар ёш ҳеч қандай муаммолари йўқлигини ва ердан фойдаланишдаги режаларини ишчи гуруҳ аъзолари билан ўртоқлашди.

### Болалар ҳаққидан қўрқмаётган мутасаддилар

...Далмун маҳалласида истиқомат қилувчи С. Ражабованинг фарзандига нафақа тўлаш масаласи жойида ҳал қилинди.

...Ойдин маҳалласи Жўйимўмин қишлоғига қўшимча 100 КВт трансформатор ўрнатилиши белгиланди.

...Фуқаро Ш. Ҳотамовнинг қарияларни “Етти пир” зиёратини амалга оширишни ташкил этиш бўйича қилган мурожаатига тезда ечим топилди: алоҳида автобус ажратиладиган бўлди.

Бу Олий Мажлис Қонунчилик палатасига “Миллий тикланиш” демократик партиясидан сайланган депутат Жаҳонгир Шириновнинг Жондор туманидаги Далмун, Ибн Сино, Луқмон, Ойдин, Жамият, Мирзаён ва Ромиш маҳаллалари аҳолиси билан учрашувида эришилган натижалардан бир шингил, холос.

Парламент аъзосининг аҳоли билан учрашувларида ички йўлларни таъмирлаш, тоза ичимлик суви, дренаж ишлари бўйича ҳам кўплаб мурожаатлар қайд этилди. Барча масала назоратга олиниб, айримлари юзасидан депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

Шунингдек, депутат 22-сонли оилавий поликлиника шарт-шароитлари билан ҳам танишди.

— Президентимиз масъулларни бежиз маҳаллабай ишлашга даъват қилаётгани йўқ ва бу билан кўплаб муаммолар аниқланиб, ечим топилмоқда, — деди депутат Ж. Ширинов. — Масалан, тумандаги 20-сонли мактабгача таълим ташкилотида қулфланган тиббий хонани ҳатто ҳамширанинг ўзи ҳам оча олмаганини қандай баҳолаш мумкин?! Шундай пайтда тиббий ёрдам зарур бўлиб қолса, нима бўлади?

Энг ачинарлиси, болаларга эрталабки нонуштага сутли бўтқа берилиши лозим бўлса-да, амалда берилмаётганини аниқладик. Наҳот, мактабгача таълим ташкилоти мутасаддилари болалар ҳаққидан қўрқмаса?!

### Фуқаролар муаммоси жойида ҳал этилди

Депутат Абдулла Асланов ҳам халқ билан мулоқот қилиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиш мақсадида Самарқанд вилоятида бўлди.

Халқ вакили ҳудуддаги учрашувларини Самарқанд туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабидан бошлаб, муассасада ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан қизиқди.

Мулоқотлар чоғида беш муҳим ташаббус доирасидаги спорт мусобақасида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритган спортчи ёшларга ЎзЛиДеПнинг эсдалик совғаларини топширди.

Учрашув доирасида ташкил этилган сайёр қабулда ўнлаб фуқароларнинг мурожаати ўрганилиб, уларни ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилди. Хусусан, 11 нафар фуқаронинг мурожаати бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилган бўлса, 8 та масала юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

Эътиборли жиҳати, уч нафар фуқаронинг арзномаси жойида ҳал этилиб, иш масаласида кўмак сўраган йигит-қизларнинг мурожаати депутат назоратига олинди.

Шунингдек, учрашув давомида беморлар, қариялар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг муаммолари ҳам тингланди.

### Қачонгача «юқори»нинг аралашувини кутасиз?

Парламент қуйи палатаси депутати Назир Собиров Олот туманидаги Оқолтин маҳалласида бўлиб, аҳоли муаммоларини эшитди ва уларни ҳал қилиш бўйича тегишли идора раҳбарлари олдига вазифалар қўйди.

Жумладан, туман ҳокими ўринбосари Ш. Ҳамроевга Аму-Қоракўл кўпригини таъмирлаш вазифаси юклатилган бўлса, электр тармоқлари корхонаси раҳбари Ғ. Набиевга шу йилнинг 10 апрелига қадар Зиёлилар кўчасидаги яроқсиз ҳолатга келиб қолган симёғочларни алмаштириш шарти қўйилди.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар Ахтам ва Эркин Қурбоновлар икки ойдан буён Халқ банкидан имтиёзли кредит ололмаётган экан. Депутат аралашуви билан ушбу масала шу ернинг ўзида ҳал этилди.

Депутатнинг Хоса бўйи ва Дилкор маҳаллалари аҳолиси билан учрашувларида ҳам электр таъминоти ҳамда ички йўлларни таъмирлаш каби муаммолар кўтарилди ва уларни ҳал қилиш бўйича ҳам маҳаллий раҳбарлар олдига аниқ муддатли вазифа қўйилди.

— Аҳоли томонидан кўтарилган муаммолар ҳал қилиниши қийин бўлган масалалар эмас, — деди депутат Н. Собиров. — Бунинг учун маблағ ҳам, имконият ҳам бор. Лекин маҳаллий мутасаддиларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги сабабми, масала ортга сурилаверган. Айрим масъуллар “тепа”нинг аралашуви ёки “туртки”сига ўрганиб қолган чоғи, йиллар давомида кўтарилган баъзи масалалар бир кунда ҳал бўлди.

Депутат эшик-ром ясовчи уста Шербек Ғаффоров фаолияти билан ҳам танишиб, тадбиркорга ишсиз ёшларга ёғоч ўймакорлиги сирларини ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш юзасидан ўз таклифларини берди.

### «Тунги клуб»лар назоратга олинади(ми?)

Ўз сайлов округи — Учтепа ва Чилонзор туманларида ўрганишлар олиб бораётган депутат, “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси Мухтабар Ҳусанова қурилиш касб-ҳунар коллежида туман ҳокими, Халқ қабулхонаси мудири, сектор раҳбарлари иштирокида сайёр қабул ўтказди.

Қабулда 50 га яқин фуқаролар билан суҳбат қилиниб, уй-жой, коммунал, бандлик, тадбиркорлик, кредит, моддий ёрдам ажратиш бўйича мурожаатлари кўриб чиқилди. Айримларга онлайн, яъни масофадан туриб мурожаат қилиш имконияти яратилди. Кўплаб масалалар шу ернинг ўзида ҳал қилинган бўлса, муддат талаб қиладиганлари назоратга олиниб, мутасаддиларга топшириқлар берилди. Шунингдек, депутатга кўчма савдо ташкил этиш, ижара уйлардан фойдаланишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш таклифи билдирилди.

Мутасаддилар “тунги клуб”лар фаолиятини миллий қадриятлардан келиб чиқиб тартибга солиш бўйича билдирилган таклифга алоҳида эътибор қаратди. Таъкидланишича, бундай масканлар аҳоли, айниқса, ёшлар таълим-тарбияси, маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

— Учтепаликлар бежиз бу масалада безовта бўлаётгани йўқ. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 200 га яқин “тунги клуб”ларнинг 40 таси Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади ва уларнинг 19 таси айнан Учтепа туманида жойлашган, — деди М. Ҳусанова.

### Кредит ва уй-жой билан таъминланади

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фарҳод Зайниев томонидан Қарши шаҳридаги Мағзон ва Арабхона маҳаллаларида “аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг мурожаати тингланди.

Ўрганишлар жараёнида Мағзон маҳалласида яшовчи фуқаро Г. Назарованинг тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредит ажратиш масаласи бўйича мурожаатига асосан тижорат банкига тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тақдим қилинди. У тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиб, 5 нафар ишсиз хотин-қизни иш билан таъминлашни режалаштирган.

Шунингдек, уч нафар вояга етмаган фарзандини ёлғиз тарбиялаётган Д. Шукуровани иш билан таъминлаш, бир нафар ногиронлиги бор фарзанди бўлган С. Холиқовани имтиёзли тарзда уй-жой билан таъминлаш бўйича қилган мурожаатлари ижроси депутат назоратига олинди.

*Халқ вакилларининг ҳудудлардаги ўрганишлари давом этмоқда.*

**«Халқ сўзи».**

# ОБОДЛИК БИР КУНЛИК ТАДБИР ЭМАС, ДОИМИЙ ҲАЁТ МАРОМИ



1

Айниқса, Бўка, Пискент, Паркент, Оҳангарон, Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Чиноз туманларида саноат ривожи ҳамда аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳажми мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан бир неча баробар камлиги қайд этилганди. Тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалиги, бандлик, ижтимоий муаммоларни тезда бартараф этиш чоралари белгилаб берилганди.

Бироқ вилоят ўзининг географик ўрни, иқлим шароити, ҳосилдор ерлари, рангли металлургияси, қўйингки, бекиёс иқтисодий салоҳиятига қарамай, бугун ривожланишда анча ортда қолаётгани айни ҳақиқат. Айнан шу сабаблар бу галги ташриф якуни бўйича давлатимиз раҳбари иштирокида Нурафшон шаҳрида ўтказилган халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг сессиясида вилоятга янги раҳбар тайинланишига асос бўлди.

Сессия давомида вилоятни янада юксалтириш, мавжуд ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, одамлар бахт-иқболи йўлида янги-янги дастурлар, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш учун давлатдан нимаики лозим бўлса барчаси муҳайё қилиниши айтилди. Давлат раҳбари вилоятдаги мингдан ортиқ маҳаллалар билан манзилли ишлаш дастури орқали “ўсиш нуқталари”га эришиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг даромади ва харид қобилиятини ошириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

2021-2022 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида жами қиймати қарийб 120 триллион сўм бўлган 1 108 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши таъкидланди. Уларнинг 1 60 таси ҳудудий, 48 таси йирик тармоқлар лойиҳаларидир. Бунинг натижасида 52 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган. Бундай хайрли ишларни амалга ошириш билан бир қаторда, кон-металлургия, энергетика, тўқимачилик, кимё, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, туризм соҳалари вилоят иқтисодиётини юксалтиришда асосий “драйвер” бўлиши кераклиги уқтирилди. Юртбошимиз вилоятда 14 та янги кичик саноат ҳудуди ташкил этиш, фойдаланилмаётган 18 та норуда кон негизида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича ҳам тегишли кўрсатмаларни берди.

Буларнинг барчаси қоғоздаги ҳисобот учун эмас, балки амалда исботи талаб этиладиган муҳим вазифалардир. Жорий йилда Қибрай туманида ишга тушириладиган 2 та ИЭС, Бўстонлиқда қурилиши режалаштирилаётган 540 мегаватт қувватга эга 2 та ГЭС ана шундай амалий натижалар дебочаси бўлади.

— Президентимиз вилоятга ташрифида маҳаллабай ишлашга жиддий эътибор қаратдилар, — дейди Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари Саидқаҳҳор Холхўжаев. — Вилоятда бу тизимнинг ўзига хос намунасини яратиш юзасидан тегишли вазифалар берилди. Булар орасида йирик саноати ривожланган шаҳарлар, пойтахт атрофидаги тадбиркорлик, мева-сабзавотчилик йўналишидаги жуда катта имкониятларга эга бўлган туманлар, Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон сингари туризм ривожланган ҳудудларда амалга ошириш лозим бўлган ишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ташрифнинг ҳаётбахш аҳамияти шундаки, Президентимиз манзилли дастур бўйича 150 мингдан ошиқ янги иш ўринлари яратиш юзасидан тегишли вазифаларни белгилаб берди.

### Ерни тадбиркорга бериш зарур

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифини Чиноз туманидан бошлади. Бу бежиз эмас, албатта. Ушбу ҳудудда кейинги йилларда муттасил сув танқислиги сезилмоқда. Аслида бу ҳолат бутун мамлакат миқёсида қайд этилаётган муаммолардан бири бўлса-да, чинозликларнинг сувдан тежаб-тергаб фойдаланиши кунлик ҳаётий заруратга айланди. Бундан буён пахта далалари, ғаллазор, экин майдонларига “қулоғигача бостириб”, назоратсиз сув қўйиш “ширин туш” бўлиб қолади.

Бу талаблар Президент Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясида ўз ифодасини топган. Унга кўра, аграр соҳага хорижий сармояларни жалб этиш асносида сув тежайдиган иш услубларини яратиш белгиланган.

Ташрифда Президентга таништирилган Чиноз туманидаги фойдаланишдан чиққан ерларни ўзлаштириш ҳисобига замонавий технологиялар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш лойиҳаси айнан сувни тежаш борасида ўз аҳамияти билан бекиёсдир.

— Янгиобод қишлоғидаги 850 гектар майдонни ташкил этувчи бу жойларга тадбиркор томонидан 1 миллион 350 минг доллар миқдоридаги инвестиция жалб этилди, — дейди биз билан суҳбатда туман ирригация бўлими бошлиғи Лазиз Шамсудинов. — Умумий ҳажми 202 минг метр куб сиғимга эга бўлган учта сув ҳавзаси атрофдаги экин майдонларида томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш имконини берди.

Янги ўзлаштирилган ернинг 702 гектарига қўшқатор усулда “Андижон-72” навли пахта экилади. 148 гектар майдонда ташқи бозор учун экспортбоп полиз маҳсулотлари етиштирилади.

Лойиҳанинг энг аҳамиятли жиҳати, экин майдонларининг бир қисми ишсиз ёшларга тақсимлаб берилади. Қайта фойдаланишга киритилган далаларда 220 киши доимий иш билан таъминланиб, 1 200 нафардан зиёд маҳаллий аҳоли мавсумий юмушларга жалб қилинади.

Давлатимиз раҳбари илк манзилдаги бу каби қувонарли жараёнлар билан танишиш чоғида айтганидек, экишдан олдин сотишни ўйлаш керак. Ерни тадбиркорга бериш зарур. Чунки у бозорни билади, рақобатни билади.

### Беш ташаббус ифодаси

Чинозда амалга оширилган яна бир хайрли лойиҳа билан иккинчи манзилда таништирилди.

Эшонобод қишлоғидаги ободончиликлар замирида, давлатимиз раҳбарининг маҳаллабай ишлаш ғояси Қозоғистон билан чегарадош, ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус, украин миллатига мансуб аҳоли вакиллари бир оила фарзандидек аҳил яшаётган чекка қишлоқни обод манзилга айлантирган. Бу ердаги бунёдкорликлар замирида Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсат, аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш йўлидаги эзгу ташаббуслар самараси сифатида кўзга яққол ташланади.

— Бу ерлар бир пайтлар ташландиқ жойлар эди, энди обод қишлоққа айланди, — дейди Эшонободда янги бунёд этилган маданият саройи раҳбари Муҳаббат Дўсимова. — Президентимизнинг беш муҳим ташаббусида ўз ифодасини топган барча йўналишда иш олиб бориш имкониятига эга бўлдик.

— Дастлаб ишни пахта терадиган этаклар тикишдан бошлаганмиз, — дейди Эшонободнинг “Қўжакент Текстиль” фабрикаси раҳбари Зиёвуддин Мўминов. — Бугунги кунда ён-атрофда истиқомат қилувчи 500 нафар хотин-қизни иш билан таъминладик. Маҳсулотларимиз кўлами ва сифати кескин ўзгарди. 20 турдан ошиқ кийим-кечаклар тикяпмиз. Охирги бир ярим ойда 100 минг долларлик тайёр кийимларни экспорт қилишга эришдик.

Энг асосийси, Президентимизнинг ташрифи зиммамизга янада масъулиятли вазифалар юклаш баробарида янги имкониятлар эшигини очди. Белгилаб берилган вазифаларга кўра, ҳудудда бундай кичик корхоналарни кўпайтириб, 3 минг нафар хотин-қизни иш билан таъминлашга киришдик.

### Тўлиқ саноат «занжири» яратилган корхона

Бугун вилоятдаги тўққизта пахтачилик туманининг 7 тасида пахта-тўқимачилик кластерлари, 2 та кооперация ташкил этилган.

Эътиборлиси, айнан Президентимиз илгари сурган кластер ғояси туфайли Қуйи Чирчиқ туманидаги “ТСТ Агро cluster” жамоаси томонидан 2020 йилда бир гектар ердан ўртача 40 центнердан пахта хом ашёси йиғиштириб олинди. Чиноз туманидаги “Саидаҳмедов Ҳамид”, Оққўрғон туманидаги “Оллоберди Мурод”, Ўрта Чирчиқ туманидаги “Зеро макс”, Юқори Чирчиқ туманидаги “Кавсар Замин Омад” фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 40 центнердан зиёдни, Бекобод туманидаги “Мирза Тошмурод” фермер хўжалигида эса 44,3 центнерни ташкил этди.

Бу албатта, ўтган йилги сарҳисоб. Бироқ унинг замирида Юртбошимизнинг вилоят меҳнат аҳлига юксак эътибори, фермер ва кластерларга яратилаётган зарурий шарт-шароитлар маҳсули мужассам.

Давлатимиз раҳбари ана шу ютуқлар омилини таҳлил қилиш ва эришилаётган муваффақиятлар билан танишиш мақсадида 27 миллиард сўмликдан зиёд лойиҳа асосида 6 гектардаги ташландиқ ерда бунёд этилган Қуйи Чирчиқ туманидаги шоли заводига ташриф буюраркан, корхонада Туркиянинг “Yashar Makina” компаниясининг замонавий ускуналари юқори унум билан ишлаётганига гувоҳ бўлди. Бу ерда шоли етиштириш ва уни чуқур қайта ишлаш бўйича тўлиқ саноат “занжири” яратилгани айтилди.

Президентимизнинг 2021 йил 2 февралдаги “Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан сўнг бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ва меҳнат самарадорлиги янада юксалди. Давлатимиз раҳбари корхона таркибидаги 15 минг тонналик умумий сиғимга эга бўлган 2 та ёпиқ омбор, бир сменада 120 тонна шолини тозалаш, қуритиш ва қайта ишлаш имконига эга бўлган цех фаолияти билан батафсил танишди. Унинг фақат электр энергияси билан эмас, балки кўмирда ҳам ишлаши эътиборга молик.

“Даладан дастурхонгача” тамойили асосида ишлаётган ушбу шоличилик кластери жамоаси 2021 йилда шолизорлардаги ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш устида изланмоқда. Ажаб эмаски, хирмонга барака берса, 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги сара гуруч чет элга экспорт қилинади.

Корхона жамоасининг меҳнати билан цехларга ўрнатилган “ақлли” ускуналар гуручни нафақат каттакичиклиги, балки рангига кўра ҳам саралайди. Тегирмондан тушаётган марварид доналаридек гуручни қўлингизга оларкансиз, унинг замирида деҳқоннинг беминнат ва заҳматли меҳнати намоён бўлиши аниқ.

> Лойиҳанинг энг аҳамиятли жиҳати, экин майдонларининг бир қисми ишсиз ёшларга тақсимлаб берилади. Қайта фойдаланишга киритилган далаларда **220 киши** доимий иш билан таъминланиб, **1 200 нафардан зиёд** маҳаллий аҳоли мавсумий юмушларга жалб қилинади.

Ва энг асосийси, Ҳукуматнинг кластер тизимини шакллантириш юзасидан қабул қилган қарори ижросида эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, ишсизлар бандлигини таъминлаш мужассамдир.

### «Hi-Tech» усулидаги тураржой мажмуаси

Ташрифнинг кейинги манзили — Чирчиқ шаҳри.

Давлатимиз раҳбари Шодлик маҳалласида зилзилабардош, замонавий “Hi-Tech” усулида, 288 хонадонга мўлжаллаб бунёд этилган 4 та 16 қаватли замонавий тураржой мажмуасини кўздан кечирди.

Чирчиқ шаҳрини ривожлантириш бўйича бош режа билан танишаркан, янги тураржойлар қуриш, эски уйларни реновация қилиш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиб, Тошкент шаҳридаги айрим ишлаб чиқариш корхоналарини шу ерга кўчириш ҳамда янги лойиҳаларни жойлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Чирчиқ инновацион, инвестицион шаҳар бўлади. Шу боис барча бинони хатловдан ўтказиш, инфратузилмани яхшилаш, автомобиль ва темир йўлларнинг ўтказувчанлигини ошириш, жамоат транспортини ривожлантириш кераклиги, қулайлик яратилса, аҳоли ҳам, ишбилармонлар ҳам келиши алоҳида таъкидлангани ҳам бежиз эмас.

...Владислав Денисенко “Лола” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 35-уйининг 45-хонадонида истиқомат қилади. У 16 ёшида бахтсиз ҳодиса туфайли таянч ҳаракатларини йўқотди. Шу кундан бошлаб тўшакка “михланиб” қолди.

Президент ташриф доирасида шаҳар айланаркан, бу хонадонни ҳам эътибордан четда қолдирмади.

— Оиламиз учун энг қийин бўлган дамда давлатимиз раҳбарининг кўнгил сўрашидан бошимиз осмонга етди, — дейди Владиславнинг онаси Анифе Бекташева. — Ғамташвиш бир келса устма-уст келаркан. Яқинда турмуш ўртоғимдан ҳам айрилдим. Ҳозир бор эътиборимни Владикнинг ҳаётдан кўнглини совитмаслик, умидсизликка тушиб қолмаслигига қаратганман. Унга фақат ширин сўз керак. Кунлик жисмоний машқларни ўз вақтида бажаришига кўмаклашиш учун мураббий ёллаганмиз. Табиийки, бундай шароитда соғломлаштириш жараёнига каттагина маблағ талаб этилади. Оиламизнинг эса боқувчиси йўқ.

Кутилмаганда хонадонимизга келган Президентимиз ўғлим билан узоқ суҳбатлашди. Унинг оёққа туриб кетиши учун барча зарурий чоралар кўрилишини уқтирди. Ногиронлик аравачасида ўтирган ўғлим давлатимиз раҳбарининг бу гапларидан нақадар севинганини кўрганингизда эди! Буни таърифлашга тил ожиз.

Бунинг ортидан эртаси куни уйимизга Тошкентдан бир гуруҳ мутахассислар келиб, ҳолимиздан хабар олди. Меҳр-саховат йўлида ташаббус кўрсатиб келаётган юрт раҳбаридаги бу қадар самимият, фуқаро тақдири учун ташвиш ва эътибордан бир умр миннатдормиз...

### Янгиланиш маҳалладан бошланади

Кейинги манзил — Чирчиқдаги 2-кичик туман, Ифтихор маҳалласига Президент пиёда кезган ўнқирчўнқир йўллар бўйлаб кириб борарканмиз, кўча бошидаги 50 — 60 метр жойгагина асфальт ётқизилганига эътибор қиламиз.

— Ажабланманг, шаҳар раҳбарларининг китобида шундай ёзилган бўлса керак, — дейди бизга йўл кўрсатаётган қария. — Бўлмаса, шу даражадаям кўзбўямачилик қилишадими? Ахир ҳаммаёқ ўпирилиб ётибди-ку. Йўлнинг охиригача асфальт ётқизишса бўлмайдими?! Кўчаларда ёритқичлар йўқ, тунда юришга қўрқасан, киши. Бу чуқурларда суриниб қоқилиб, майиб бўлиб қолишинг ҳам ҳеч гап эмас.

Отахоннинг куйиниб гапиришича бор. Кўп қаватли уйларга элтувчи ички йўллар ўйдим-чуқур. Баҳор бошланган бўлса-да, атрофдаги дов-дарахтларга на шакл берилган, на оқланган. Айрим уйларнинггина деворларига қўл учида бўёқ сурилган. Кириш йўлаклари қору ёмғир таъсирида ўпирилиб ётибди.

Президент 2 500 дан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи ушбу маҳалладаги 12-уйининг кириш йўлагидаги ўриндиқда ўтирган 75 ёшли Татьяна Кадирова билан суҳбатлашгани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак.

— Давлат раҳбарининг ёнимга келиб, эски қадрдонлардек ҳол-аҳвол сўрашидан бошим осмонга етди, — дейди Татьяна Константиновна. — У кишидаги самимият, камтарлик, фуқаролар тақдири учун безовталикни кўриб кўзларимга ёш келди. Бу ерга кўчиб келганимизга олти йил бўлди. Бирор кун иситиш тизими ишлаганини эслолмайман. Юртбошимизнинг маҳалламизга ташрифи қут-барака келтирди — ён-атроф ободонлаштирилмоқда. Неча йиллардан буён бир алфозда ётган болалар ўйингоҳи қайта қурилаётир. Йўллар ва ҳар бир кириш йўлаги таъмирланмоқда. Ахир шу ишларни маҳаллий раҳбарларнинг ўзлари билиб қилса бўларди-ку?!

Қарангки, тез фурсатда камчиликларни тузатиш учун имконият ҳам, маблағ ҳам топилди. Махсус ишчи гуруҳи тузилиб штаб ташкил этилди. Юзлаб одамлар, ўнлаб техника воситалари жалб қилинди. Маҳаллалар йиллар давомида уйилиб ётган чиқиндилардан тозаланмоқда, дов-дарахтларга шакл берилиб, кўп қаватли уйлар атрофига ростакамига баҳор эпкини кириб келаётир.

Асосийси, давлат идоралари маҳалла ичига кириб, аҳоли муаммоларини атрофлича ўрганиши, халққа янада яқинлашиб, одамларнинг таклиф ва истакларини амалга ошириш учун уларга яқиндан кўмак бериши жамиятимиздаги бундай оғриқли муаммоларни тизимли равишда ҳал этишга замин яратади. Бу эса ҳар бир ҳудудда тараққиёт ва фаровонлик даражаси янада юксалади, деганидир.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи:

## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси Фульвио Мартушелло билан учрашди.*

Мулоқот аввалида меҳмонларга сўнгги вақтларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар фаолияти парламент ва фуқаролар томонидан доимий назорат қилиб борилаётгани, шунингдек, ислоҳотлар жараёнида сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг роли ортиб, суд органларининг чинакам мустақиллиги таъминланаётгани ҳақида маълумот берилди.

А. Саидов Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган ташаббуслари ҳақида тўхталиб ўтди. Айни пайтда ушбу таклифлар — Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини ҳамда Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш жараёнида тизимли ишлар олиб борилаётганини қайд этиб ўтди. Ўз навбатида, нуфузли меҳмонни бу борада ҳамкорликка чақирди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуслари доирасида шу йил 24 июнь куни Бухоро шаҳрида “Барқарор мақсадларга эришишда парламентлараро глобал шериклик” мавзуида халқаро форум ўтказилиши режалаштирилаётгани, 2021 йил 12-13 август кунлари эса Тошкентда Ёшлар ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференцияси ташкил этилиши кутилаётганини маълум қилди. Европа парламентининг вакиллари ҳамда ёш аъзоларини юқорида қайд этилган конференцияларда қатнашишга таклиф қилди.

Учрашувда Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси раиси Фульвио Мартушелло Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эҳтиёж ва манфаатларини таъминлашга қаратилганини алоҳида эътироф этиб, бир қатор йўналишларда, хусусан, ногиронлиги бор шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, қонунчиликни ривожлантириш, коррупцияга қарши курашиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга юқори берди.

— Мен бу учрашувни узоқ кутдим ва режамизда жуда кўп тадбирлар ўтказилиши кутиляпти, — деди Ф. Мартушелло. — Европа Иттифоқи Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларга катта қизиқиш билан қарамоқда. Биз мамлакатингиз билан кўп қиррали ва ўзаро фойдали ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз. Шу боис Ўзбекистон билан барча соҳада алоқаларни тўғридан-тўғри йўлга қўйишга тайёрмиз.

Мулоқот чоғида айни пайтда томонлар жорий йилнинг иккинчи ярмида Брюссель шаҳрида “Ўзбекистон — ЕИ” Парламент ҳамкорлик қўмитасининг 15-мажлисини ташкиллаштириш масаласи хусусида ҳам фикр алмашди.

Ўзбекистон томони ЕИ билан парламентлараро муносабатлар ривожланишининг ижобий динамикасини давом эттиришни қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

---

## ҚИЁФАСИ БУЗИЛАЁТГАН ХОТИРА МАЙДОНИ, КЕКСАЮ ЁШНИ ЗАҲАРЛАЁТГАН КОРХОНА...

### Попдаги сектор раҳбарлари қаерга қараяпти?

*Поплик Аҳмаджон Ботиров туманда ўз меҳнати, шахсий ибрати билан ҳурмат-эътибор топган нуронийлардан.*

*У кўп йиллар банк соҳасида фаолият юритган. Бирмунча вақт ўзи туғилиб ўсган Санг қишлоғидаги жамоа хўжалигига раислик ҳам қилган. У қаерда ва қайси тармоқда фаолият юритмасин ўзининг катта ҳаётий тажрибаси, ибратли ҳаёти, хайрли ишлари ва эзгу ташаббуслари билан кўпчиликнинг меҳрини қозонган жонкуяр инсон. Ҳозирги кунда ўғли Илёсжон бошқараётган кўп тармоқли “Санг раис” фермер хўжалиги маслаҳатчиси. Кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларнинг ўгитлари ёшлар учун ибрат, албатта. Агар иборали айтсак, оқсоқолнинг бир оёғи далада, иккинчиси маҳаллада.*





### Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Чинакам меҳнаткаш инсон билан гурунглашиш ғоят завқли. Бироқ аксарият ҳолларда хуш-хандон юрадиган оқсоқолни яқинда бир оз тушкун аҳволда учратдик. Қовоқлари салқиб, кўзлари қизарган. Назаримизда, юзидаги ажинлари ҳам қуюқлашгандек. Сабабини сўрадик. “Эй, нимасини айтай?!” дейди қўлларини силтаб раис бува.

— Қайси куни далага ўтаётиб, собиқ жамоа хўжалиги идораси, ҳозирги кунда “Боғ кўча” маҳалла фуқаролар йиғини олдидаги Хотира хиёбони бурчагида тош-шағал уюмига кўзим тушди. “Ҳа, Хотира куни олдидан хиёбон йўлакларини текислаб, таъмирлашса керак-да” деб кетавердим.

Қайтишда не кўз билан кўрайки, уч-тўртта йигитлар зўр бериб бетон қуйишяпти. Бирини дарров танидим, бу — қўшни Ойбек номидаги маҳалла раиси ўринбосари Эркинжон Рустамов эди. У “ҳа бўлҳа бўл...”, деб иш бошида турибди.

— Ҳорманглар, йигитлар! Нима ҳаракат? — дедим.

— Шу ерни обод қилмоқчимиз, — деди Эркинжон.

— Ахир Хотира майдонининг ўзи обод-ку, — дея ажабландим.

— Музқаймоқ сотадиган дўкон қуряпман, — деди бу гал очиқ гапириб раис ўринбосари.

— Ё, пирай! — дея ҳайратим ошди. — Ана, рўпарада “Оқ қуш” музқаймоқ павильони, қатор-қатор дўконларнинг ҳар бирида музқаймоқ... Шунча маҳсулот устига яна дўкон қуриш, боз устига, Хотира хиёбони биқинига... Буни қандай тушуниш мумкин?

— Қўлимда ҳужжат, яъни қарор бор, — деди Эркинжон.

— Ким чиқариб берди ўша қарорни? — дедим аччиғим чиқиб. — Бунинг ўрнига кексаю ёш келадиган, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган уч юзга яқин ҳамқишлоқларимиз, ота-боболаримизнинг руҳи-поки кезиб юрган бу хиёбонидаги арчаларни оқлаб, гул экиб, обод қилсаларинг ярашмасмиди?!

— Туман ҳокимининг қарори бор деяпман-ку, — деди яна Эркинжон.

— Туман ҳокими кабинетида ўтириб, ўйламай-нетмай ўша қарорга имзо чеккан бўлса чеккандир-да, — дедим энсам қотиб. — Сен биринчи галда маҳалланинг қарорини чиқартиришинг, маҳалла кенгаши, фаоллари билан маслаҳатлашиб, улар розилигини олиб, ана ундан кейин иш бошлашинг керак эмасмиди?!

— Ҳаммаси келишилган. Раиснинг ҳам хабари бор, — деди яна у.

Маҳалла раиси Қаҳрамон Очилдиев олий маълумотли, кўпни кўрган, тажрибали йигит. Наҳотки шунчаликка борган бўлса, дея ўйлаб қолдим.

Ўша заҳотиёқ уни қидириб топдим.

“Бу нима қилганинг, розилик берганинг ростми?” — сўрадим ундан.

“Бу ишлардан мутлақо хабарим йўқ, — деди у ажабланиб. — На Рустамовнинг ўзи, на туман ҳокими Аъзамжон Султонов мендан бир оғиз сўрагани ҳам йўқ. Ўзи бу ўзбошимчалик ва менсимасликдан фиғоним чиқиб маҳалла кенгаши, фаоллари — ҳамма-ҳаммани йиғаман, деб тургандим...”

— Бу гапдан кейин қаттиқ хафа бўлдим, — дейди Аҳмаджон Ботиров. — Президентимиз маҳаллага, маҳаллабай ишлашга, йиғин раисларининг обрў-нуфузини оширишга тинмай ҳаракат қилаётган, мазкур ноёб институт суянчимиз, таянчимиз, ҳар бир тадбирни унинг фаоллари, оқсоқоллари билан бамаслаҳат, улар таклиф-мулоҳазаларини ўрганган ҳолда амалга оширинглар, деб турган бир пайтда маҳаллани, унинг кенгашини, фаолларини четлаб ўтиб, қишлоқдаги яккаю ягона Хотира хиёбони қиёфасини бузиб, музқаймоқхона қуришни қандай тушуниш мумкин?!

Бу, Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида ҳалок бўлган, ногирон бўлиб қайтиб келиб, юртни тиклаш, оёққа турғазишда, сув келса симириб, тош келса кемириб меҳнат қилиб ўтган оталаримиз хотирасига ҳурматсизликдан, улар руҳини безовта қилишдан ўзга нарса эмас. Санг халқи, сангликлар юзига оёқ қўйиш билан баробар бу.

Қирқ йилдан зиёд раҳбарлик лавозимларида ишлаб бундай кўрқўрона чиқарилган қарорни энди кўришим. Афсуски, поплик раҳбарлар фаолиятидаги бундай маҳалла, аҳоли билан ҳисоблашмаслик, ўзбошимчалик, тўралик иллатларига истаганча мисол келтириш мумкин.

Қишлоғимиздаги каттагина ерни ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, аҳоли розилигини олмай бир корхонага хатлаб беришди. Эндиликда эса ишлаб-ишламаётган ушбу корхона халқнинг бошига битган бало бўлди. Гап шундаки, бу ердан чиққан қора дуд аҳоли хонадонлари, болалар боғчалари, мактаблар устидан ёғилиб, атроф-муҳитни, экологияни ифлослантириб, кексаю ёшни заҳарлаяпти.

Туман марказидаги деҳқон бозорининг аҳволини кўрсангиз, хушингиз учиши тайин. Аҳоли фикрини ўрганмасдан бир чекка жойга янги бозор қуриб, эскиси вайронага айлантирилди. Мана, уч йилдирки, бозорчилар янги бозорга бормасдан ўша вайрона ичида, кўчакўйда, йўлакларда чанг-тупроқ ичида савдо қилишмоқда.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин...

Ҳолбуки, Наманганддан йўлга чиққан йўловчи Чуст туманига келганида, бу ердаги кечаги даштлик ўрнида қад ростлаган замонавий завод ҳамда фабрикаларни, бирибиридан муҳташам кўп қаватли тураржой биноларини кўриб кўзи қувнайди, ҳаваси келади.

Поп ҳудудига ўтгач эса бунинг аксига дуч келади: кимсасиз, ҳувиллаб, қовжираб ётган далани кўриб юраги туз сепгандек ачишади. Шунинг ўзи поплик масъуллар, сектор раҳбарлари фаолияти, иш услуби қай даражада эканини ойнадек яққол кўрсатиб тургандек, гўё.

Давлатимиз раҳбари яқинда Тошкент вилоятида бўлиб, у ерда олиб борилаётган ислоҳотлар билан танишиш чоғида айтганидек, энг катта хатоимиз, ўрта бўғин раҳбарлар пастга тушолмаяпти, тушса ҳам масъулият йўқ, амални хоҳлайди, аравани тортолмайди...

Халқимизда бир нақл бор: “Гап эгасини топади”. Юртбошимизнинг ушбу очиқ ва аччиқ, ҳаққоний гапи ҳам ўз эгасини топса, поплик раҳбарлар ҳамиятини қўзғаб, уларни мудроқ уйқудан уйғотса ажабмас.

Ҳаётнинг паст-баландини кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга бу куйинчак нуронийнинг айтган сўзларига ортиқча сўз қўшолмадик...

**Ортиқали НОМОЗОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



# ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАРГА ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛАДИ

***Давлатимиз раҳбарининг олий маълумотли бўлишни истаган, қобилияти, билими бор, лекин тақдир тақозоси билан орзусига эриша олмаган хотин-қизларни рағбатлантириш тизимини жорий қилиш бўйича видеоселекторда берган топшириғи бизни ниҳоятда қувонтирди.***

## Мулоҳаза

Айни чоғда талабаликка муносиб, лекин иқтисодий имконияти бўлмагач, шартнома асосида ўқий олмаган ёки юқори курсларда шартнома пулларини тўлашга қийналиб қолган қизларимизни молиявий қўллаб-қувватлашнинг имконини топа олмаган пайтлар эсимга тушди.

Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси ва топшириқлари асосида жорий ўқув йилидан бошлаб иқтидорли, ижтимоий ёрдамга муҳтож талабаларни рағбатлантириш борасида кенг кўламли ишлар бошланди. Масалан, жорий ўқув йилида ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда "темир дафтар" рўйхатидаги оилалар фарзандлари бўлган, ҳозирги кунда Қорақалпоқ давлат университетида таҳсил олаётган 45 нафар талаба-қизга бир йиллик шартнома пуллари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тўлаб берилди.

Шунингдек, ушбу тоифадаги 56 нафар талаба-қизнинг ҳар бирига бир миллион сўм миқдорида университетнинг Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратилди.

Мен ушбу олий таълим муассасасида 30 йилдан буён фаолият олиб бораётган бўлсам, шунинг 14 йилида бевосита хотин-қизлар масалалари билан ишлаб келаман. Шу вақтга қадар давлатимиз томонидан аёлларга бу қадар юксак эътибор бўлмаган эди. Президентимиз белгилаб берган вазифалардан руҳимиз кўтарилди. Масъулиятни чуқур ҳис этиб, ишга янгича ғайрат билан киришдик.

Айни чоғда меҳнат жамоамиздаги аёллар муаммоларини бартараф қилиш, ижтимоий ёрдамга муҳтож талаба-қизларга ёрдам беришга қаратилган тадбирларимизни белгилаб олмоқдамиз. Эътиборлиси, ушбу янги тизим иқтидор эгаларига катта имкониятлар эшигини очади.

**Инжайим СЕЙТЕАЗАРОВА,**
**Бердақ номидаги ҚДУ ректорининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, университет хотин-қизлар кенгаши раиси.**

ЭЪЛОН

# ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

2020/2021 ўқув йилида бакалавриат ва магистратуранинг битирувчи талабаларини ишга тақсимлаш (тавсия этиш) жараёни бошланганлигини маълум қилади.

**Бакалавриат**

| Т/р | Коди | Таълим йўналишлари | Жами битирувчилар сони | жумладан: грант | жумладан: шартнома | Сирдарё вилояти туманлари ва шаҳарлари: Гулистон шаҳри | Янгиер шаҳри | Ширин шаҳри | Боёвут тумани | Сайхунобод тумани | Гулистон тумани | Оқолтин тумани | Сардоба тумани | Ховос тумани | Мирзаобод тумани | Сирдарё тумани | жами Сирдарё вилояти | Вилоятлар: Андижон | Бухоро | Самарқанд | Сурхондарё | Жиззах | Навоий | Тошкент вил. | Тошкент ш. | Хоразм | Қорақалпоғистон Республикаси | Қашқадарё | Фарғона | Наманган | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 5111300 | Она тили ва адабиёт (рус тили) | 45 | 13 | 32 | 6 | | | 3 | 3 | 3 | 1 | 3 | 3 | 1 | 1 | 24 | | 4 | 3 | | 4 | 3 | 2 | 1 | | | 2 | 1 | 1 | 21 |
| 2 | 5111400 | Хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили | 116 | 29 | 87 | 27 | 3 | 1 | 12 | 4 | 7 | 1 | 5 | 8 | 16 | 10 | 94 | | 2 | 3 | | 7 | | 5 | | | | 3 | 2 | | 22 |
| 3 | 5120100 | Филология: ўзбек тили | 70 | 25 | 45 | 2 | | 1 | 7 | 2 | 3 | | 1 | | 4 | 4 | 24 | | 1 | 8 | 3 | 15 | 3 | 8 | 2 | 2 | | 2 | 2 | | 46 |
| 4 | 5120100 | Филология: қозоқ тили | 14 | 5 | 9 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 13 | 1 | | | | | | 14 |
| 5 | 5110700 | Информатика ЎМ | 48 | 10 | 38 | 4 | | 3 | 11 | 3 | 6 | 1 | 2 | 2 | 1 | 3 | 36 | 1 | | 3 | | 3 | | 3 | | | | | 2 | | 12 |
| 6 | 5130100 | Математика | 87 | 25 | 62 | 6 | | 2 | 7 | 6 | 7 | 3 | 4 | 7 | 3 | 4 | 49 | | 7 | 7 | | 8 | 2 | 6 | 3 | | | 4 | | 1 | 38 |
| 7 | 5140200 | Физика | 62 | 19 | 43 | 9 | 1 | 1 | 10 | 1 | 7 | | 3 | 4 | 5 | 3 | 44 | | 5 | 2 | | 5 | | 4 | | | | 2 | | | 18 |
| 8 | 5111700 | БТ ва СТИ | 75 | 9 | 66 | 11 | 5 | 2 | 8 | 13 | 10 | | 2 | 6 | 6 | 1 | 64 | | | | | 5 | | 3 | 2 | | | 1 | | | 11 |
| 9 | 5111800 | Мактабгача таълим | 129 | 38 | 91 | 37 | 4 | | 7 | 7 | 18 | 2 | 10 | 5 | 8 | 8 | 106 | | 3 | 3 | 2 | 5 | 3 | 2 | 2 | 1 | | 1 | | 1 | 23 |
| 10 | 5110900 | Педагогика ва психология | 49 | 15 | 34 | 6 | 2 | | 1 | 4 | 6 | 2 | 2 | 2 | 5 | 1 | 31 | | | 2 | 3 | 6 | | 2 | 1 | | | 2 | 2 | | 18 |
| 11 | 5111100 | Мусиқа таълими | 27 | 10 | 17 | 3 | | 2 | 4 | | 2 | 1 | | 1 | 2 | 2 | 17 | | | | | 2 | | 6 | | | | | 2 | | 10 |
| 12 | 5112100 | Меҳнат таълими | 47 | 10 | 37 | 5 | | 1 | 4 | 1 | 3 | 1 | | 3 | 4 | 5 | 27 | 1 | | 3 | | 8 | 1 | 4 | | 1 | | 2 | | | 20 |
| 13 | 5110500 | География ЎМ | 30 | 5 | 25 | 5 | | | 5 | 2 | 1 | 1 | 1 | 2 | 3 | 1 | 21 | | | 1 | 1 | 2 | | 5 | | | | | | | 9 |
| 14 | 5410215 | Агрономия (анорчилик) | 24 | 9 | 15 | 1 | | | 5 | 2 | 3 | | 1 | 2 | 1 | | 15 | | | 2 | | 5 | | | | | | 1 | 1 | | 9 |
| 15 | 5140100 | Биология | 75 | 24 | 51 | 10 | | | 5 | 4 | 2 | 1 | 1 | 4 | 3 | 6 | 36 | | 7 | 8 | | 7 | 3 | 4 | 1 | | | 6 | 3 | | 39 |
| 16 | 5140500 | Кимё | 58 | 38 | 20 | 14 | 2 | 2 | 9 | 7 | 2 | | 2 | 1 | 7 | 3 | 49 | | | 1 | | 5 | | 2 | | | | 1 | | | 9 |
| 17 | 5141000 | Тупроқшунослик | 17 | 9 | 8 | 2 | 1 | | | | 1 | 1 | 2 | | 4 | 2 | 13 | | | 1 | 1 | 1 | | | | | | 1 | | | 4 |
| 18 | 5321000 | Озиқ-овқат технологияси | 91 | 24 | 67 | 12 | 5 | | 10 | 6 | 9 | 3 | | 11 | 11 | 5 | 72 | | | 2 | | 6 | | 6 | 2 | | | | 3 | | 19 |
| 19 | 5410500 | ҚХМС ва ДИТ | 56 | 15 | 41 | 7 | | | 10 | 2 | 5 | 1 | 1 | 2 | 10 | 4 | 42 | | | 2 | | 3 | | 4 | | | | 3 | 2 | | 14 |
| 20 | 5630100 | Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси | 29 | 5 | 24 | 6 | 2 | 1 | 3 | | 1 | | 3 | 3 | 2 | 2 | 23 | | | 1 | | 4 | | | | | | 1 | | | 6 |
| 21 | 5111000 | Касб таълими: КХМ | 24 | 10 | 14 | 1 | | 1 | 5 | 1 | 7 | | 4 | 2 | | 1 | 22 | | | | | 2 | | | | | | | | | 2 |
| 22 | 5320900 | Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш | 21 | 10 | 11 | 2 | | 1 | 6 | 2 | 1 | | | 2 | | | 14 | | | | | 4 | | 1 | | | | 2 | | | 7 |
| 23 | 5111600 | Миллий ғоя, МА ва ҲТ | 23 | 5 | 18 | 3 | 1 | | 4 | | 2 | | 1 | 1 | 4 | | 16 | | | 1 | | 4 | | 1 | | | | | 1 | | 7 |
| 24 | 5120300 | Тарих | 46 | 15 | 31 | 5 | 2 | | 4 | | 1 | | 2 | 3 | 2 | 6 | 25 | | | 4 | 2 | 3 | 1 | 2 | 2 | 1 | | 4 | 2 | | 21 |
| 25 | 5230100 | Иқтисодиёт | 34 | 5 | 29 | 10 | 1 | | 2 | 2 | 3 | | 4 | 2 | 3 | 4 | 31 | | | 1 | | 1 | | | | | | 1 | | | 3 |
| 26 | 5111000 | Касб таълими: иқтисод | 16 | 5 | 11 | 4 | | | 4 | 4 | 1 | | | | | 2 | 15 | | | | | 1 | | | | | | | | | 1 |
| 27 | 5112000 | Жис. маданият | 85 | 7 | 78 | 20 | 4 | | 5 | 5 | 6 | | 5 | 4 | 6 | 2 | 57 | | 1 | 2 | 6 | 6 | | 5 | 3 | 1 | | 1 | 3 | | 28 |
| 28 | 5112000 | Хотин-қизлар спорти | 34 | 10 | 24 | 11 | 1 | 1 | 4 | 3 | 8 | | | | 2 | 3 | 33 | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 |
| | | **Жами** | **1432** | **404** | **1028** | **229** | **34** | **19** | **155** | **84** | **125** | **19** | **59** | **80** | **113** | **83** | **1000** | **2** | **30** | **60** | **18** | **122** | **16** | **89** | **20** | **6** | | **40** | **26** | **3** | **432** |

**Магистратура**

| Т/р | Коди | Мутахассисликлар номи | Жами битирувчилар сони | жумладан: грант | жумладан: шартнома | Сирдарё вилояти туманлари ва шаҳарлари: Гулистон шаҳри | Янгиер шаҳри | Ширин шаҳри | Боёвут тумани | Сайхунобод тумани | Гулистон тумани | Оқолтин тумани | Сардоба тумани | Ховос тумани | Мирзаобод тумани | Сирдарё тумани | жами Сирдарё вилояти | Вилоятлар: Андижон | Бухоро | Самарқанд | Сурхондарё | Жиззах | Навоий | Тошкент вил. | Тошкент ш. | Хоразм | Қорақалпоғистон Республикаси | Қашқадарё | Фарғона | Наманган | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 5A140101 | Биология | 9 | 3 | 6 | 2 | 1 | | | | 1 | 1 | | 2 | 1 | 1 | 9 | | | | | | | | | | | | | | |
| 2 | 5A140501 | Кимё | 6 | 4 | 2 | | | 1 | | 1 | | 1 | | 2 | 1 | | 6 | | | | | | | | | | | | | | |
| 3 | 5A110701 | Таълимда АТ | 11 | | 11 | 4 | | 1 | 3 | | 1 | | | 2 | | | 11 | | | | | | | | | | | | | | |
| 4 | 5A140202 | Физика | 6 | 6 | | 1 | 1 | | 1 | | | 1 | | | 1 | 1 | 6 | | | | | | | | | | | | | | |
| 5 | 5A130101 | Математика | 8 | 2 | 6 | 3 | | 2 | | | | 1 | | 1 | | 1 | 8 | | | | | | | | | | | | | | |
| 6 | 5A111801 | Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (МТ) | 11 | 2 | 9 | 5 | | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | 1 | 1 | 11 | | | | | | | | | | | | | | |
| 7 | 5A111701 | Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (БТ) | 13 | 2 | 11 | 3 | | 2 | 2 | 1 | 2 | | 1 | | 1 | 1 | 13 | | | | | | | | | | | | | | |
| 8 | 5A110501 | Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (география) | 5 | 1 | 4 | 1 | | | 2 | | | | | 2 | | | 5 | | | | | | | | | | | | | | |
| 9 | 5A120101 | Адабиётшунослик ( ўзбек адабиёти) | 8 | 2 | 6 | 1 | | 1 | 2 | 1 | 1 | 1 | | | | 1 | 8 | | | | | | | | | | | | | | |
| 10 | 5A111601 | Ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиш методикаси | 17 | 1 | 16 | 2 | 1 | | 4 | | 2 | | 2 | | 5 | 1 | 17 | | | | | | | | | | | | | | |
| 11 | 5A140208 | Қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф-муҳит физикаси | 5 | 4 | 1 | | | | 2 | | | 1 | | 1 | 1 | | 5 | | | | | | | | | | | | | | |
| 12 | 5A141001 | Тупроқшунослик (тадқиқот тури бўйича) | 5 | 4 | 1 | 2 | | 1 | | | | | | | 1 | 1 | 5 | | | | | | | | | | | | | | |
| 13 | 5A230102 | Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича) | 11 | 1 | 10 | 4 | 1 | | | | 2 | | 1 | 1 | 1 | 1 | 11 | | | | | | | | | | | | | | |
| 14 | 5A140101 | Ботаника | 7 | 3 | 4 | | | | 1 | 1 | | 1 | | 2 | 1 | 1 | 7 | | | | | | | | | | | | | | |
| 15 | 5A110902 | Педагогика ва психология | 15 | 1 | 14 | 6 | | 1 | | 2 | 1 | | 1 | | 2 | 2 | 15 | | | | | | | | | | | | | | |
| | | **Жами** | **137** | **36** | **101** | **34** | **4** | **10** | **17** | **7** | **10** | **8** | **5** | **14** | **16** | **12** | **137** | | | | | | | | | | | | | | |

# БИОИҚТИСОДИЁТ ЙЎНАЛИШИДА МАГИСТРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

*Бухоро давлат университетида "Erasmus+" дастури доирасида "Ўзбекистонда барқарор биоиқтисодиёт бўйича янги магистратура дастури" деб номланган лойиҳа амалга оширилмоқда.*

## Таълим

Лойиҳа иштирокчилари қаторида Финляндия, Латвия, Литва давлатларининг нуфузли олий ўқув юртлари ҳамда Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳам бор.

— Тилимизга "биоиқтисодиёт" тушунчаси кириб келганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди Бухоро давлат университети доценти Маҳмуд Орипов. — Истеъмолга яроқсиз ҳолга келган маҳсулотларни ёки чиқиндиларни иккиламчи қайта ишлаш бу йўналишнинг ўзагини ташкил этади. Биоиқтисодиётнинг имкониятлари чексиз. Масалан, Европада ушбу соҳа йилига икки триллион евродан зиёд маблағ келтиряпти.

Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишда дастлабки қадамлар ташланяпти. Юртимизда йилига 7,1 миллион тонна маиший чиқиндилар тўпланади. 2018 йилда уларнинг 1,3 миллион тоннасини қайта ишлаш эвазига 1,1 миллион тоннага яқин маҳсулот тайёрланди. Қайта ишланмаётган маиший чиқиндилар миқдори эса йилига 5,8 миллион тоннани ташкил этмоқда. Демак, фойдаланилмаётган имкониятлар кўп. Жумладан, мутахассис кадрлар тайёрлаш зарур.

Мазкур лойиҳага кўра, университетда биоиқтисодиёт йўналишида магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**


# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ ЕТТБНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА НОМИНАЛЛАНГАН КРЕДИТ ЛИНИЯСИНИ ЖАЛБ ҚИЛАДИ

*"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ўртасида 25 миллион АҚШ доллари миқдорига тенг синтетик кредит линияни жалб қилиш бўйича битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди.*

SANOAT QURILISH BANK

## Ҳамкорлик

Ушбу кредит маблағлари миллий валюта эквивалентида номинация қилиниб, мамлакатимизда бизнесга оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, хусусан, кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Бу билан молиялаштириш маблағларидан фойдаланиш имконияти кенгаяди, тадбиркорлик соҳасининг барқарор ўсиши ва ривожланиши таъминланади. Айниқса, коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида юзага келган пандемия даврида ишбилармонлик инфратузилмасини модернизациялаш орқали соҳани янада рағбатлантириш ҳамда молиявий секторда салбий оқибатларни юмшатишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур келишув икки томонлама ҳамкорликнинг мантиқий давоми бўлиб, у юртимизда халқаро молия институтлари талабларига тўлиқ жавоб берадиган ислоҳотларнинг ижобий динамикасини тасдиқлайди.

Айни чоғда, ушбу битим 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида қабул қилинган "Йўл харитаси"да миллий валютада ресурсларни жалб қилиш ҳамда эҳтимолий ички ва ташқи таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда банклар кредит портфелини долларлаштириш даражасини пасайтириш бўйича белгиланган вазифаларга тўлиқ мосдир.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, 1991 йилда таъсис этилган Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг акциядорлари 65 та мамлакат, Европа Иттифоқи ҳамда Европа инвестицион банки ҳисобланади. Халқаро молия ташкилоти банк тизимларини ислоҳ қилиш, нархларни либераллаштириш, тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш, малакали маслаҳат бериш, касбий тайёргарлик ва техник кўникмаларга ўргатиш ҳамда хусусий ва давлат секторига йирик инвестицияларни тақдим этиш каби чора-тадбирларни амалга оширишда фаол қатнашади.

Мазкур битим "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва ЕТТБ ўртасида тузилган тўртинчи келишув ҳужжатидир. Битим савдони молиялаштиришда ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш ҳамда банк мижозлари ва ЕТТБнинг кредит кафолатлари билан тасдиқловчи банк сифатида экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш мақсадида амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, ЕТТБ банкка хусусийлаштириш, ғазна амалиётларини такомиллаштириш, активлар ва пассивларни бошқариш, ходимлар малакаси ҳамда мижозларнинг молиявий саводхонлигини ошириш масалалари бўйича консалтинг хизматларини кўрсатади.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*


Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси иқтисодиёт факультети Иқтисодиёт назарияси кафедраси профессори Ҳасан Абулқосимовга онаси

**Гулистон АБУЛҚОСИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 31 515 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.30 Топширилди — 04.00 1 2 3 4 5 6